

Фаргона шахри

2022 йил “18” ноябрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган "FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYINA" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Абдурахмонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан «“Ўзбекистон тумани Бегобод МФЙ Боғиравон, Бахт кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш» объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектининг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «15» ноябрь кунги танлов ҳайъатининг №185370 - сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда 29 800 000 (Йигирма тўққиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “20” кунни ташкил этади ва буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тегишли ҳужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиха қидирув ишларида (топосёмкада) барча ер ости муҳандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонadzорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хулоса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатларини “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказиши керак.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойихачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдориди авансни ўтказди.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сунг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сунг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6. Ишларни бажариш

6.1. Лойихачи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиха-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Бошқармаси ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хулосасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бошқармаси ҳузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хулосаси олингандан сунг, Лойихачи 3 кун мобайнида лойиханинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 3 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади. Лойиханинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Лойихачи: -барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Лойихачи тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойиҳачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Лойиҳачи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкый жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Лойиҳачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойиҳачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Лойиҳачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкый жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкый имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-

ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига муружаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бошқармаси ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сўст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлик ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирилади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари: “Буюртмачи” “Лойихачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-уй
Тел.: 0-373-244-72-04

СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210

ШХР: 401722860302307063201110001

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010 МҒО: 00014

СТИР: 201 122 919

Раҳбар:  Р.Холиқназаров

М.Ў

"FARG'ONA UМУM TADBIR QURLOVI" МЧЖ

Адрес: Фарғана шаҳар Фаробий кучаси 11/18 уй

Р/с: 2020 8000 0045 7673 9001

"Туронбанк" Фарғона филиали,
МҒО: 00498


ИНН-300196437

Директор:  А.Абдурахмонов
М.Ў

Ҳуқуқий хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист

 А.Нишонов